



## Чойкўл тобора чирой очяпти

2-с.

## Беданачилик бекорга “драйвер”га айланмаган

Маҳаллий тадбиркор ташаббуси билан кооперация тизими жорий этилди.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил  
16 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА

# Маҳалла

№31  
(2255)

WWW.UZMAHALLA.UZ

## БУГУНГИ СОНДА:

### Тарқоқ таълим эмас, ягона мактаб керак

Асосий муаммолардан бири — йиғинимизда умумтаълим мактабининг мавжуд эмаслигидир. Айни пайтда ўқувчиларимиз турли ҳудудлардаги 24 та мактабда таҳсил оляпти. Шу боис, йиғинимизда мактаб қурилиши зарур.

4-с.

### “Маҳаллабай” иш ташкил этилгач, солиқ қарздорлиги камайди

“Маҳаллабай” иш ташкил этилгач, ҳар куни маҳаллаларда юриб, солиқ тўловчиларни қизиқтирган саволларига жавоб берамиз. Натижада аҳолининг солиқ соҳасидаги билими ортиб, тўловларни ўз вақтида амалга оширяпти. Масалан, илгари фуқароларнинг мол-мулк ва ер солиғидан 3-4 йиллаб қарздорлиги кузатилар эди. Хозир ўз вақтида тўлаяпти.

5-с.

### Ғамхўрлик яшаш учун қулайлик яратди

Сўнги вақтларда Умида опанинг ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Маҳаллада фаолият юритаётган ижтимоий ходим ва ҳоким ёрдамчиси унинг ҳолатини ўрганиб, “Камбағал оилалар реестри”га киритди. Бу эса уни давлат томонидан тизимли ва манзилли ижтимоий ёрдам билан қамраб олишга асос яратди.

5-с.

### Жамоатчилик жиноятга жим қараб тургани йўқ

Жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлишини инобатга олган ҳолда Жамоатчилик назорати маркази ташкил этдик. У ерда Миллий гвардия ва патруль-пост хизмати ходимлари иштирокида тунги навбатчилик гуруҳи ташкил этиб, зарур шароитлар яратдик.

6-с.

### “Ёрдамга муҳтож фуқаролар камаймоқда”

Илгари маҳалламизда ёрдамга муҳтож, эҳтиёжманд фуқаролар бунчалар кўплигини билмаган эканман. Ҳатто, уларнинг шароити ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасдим. Шу соҳада иш бошлаганимдан кейин ҳақиқий вазиятдан хабардор бўлдим.

7-с.



КУН НАФАСИ

# ПРЕЗИДЕНТ “ЯНГИ АНДИЖОН” МАҲАЛЛАСИДА БЎЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифи чоғида Янги Андижондаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

**А**ндижон — мамлакатимизда аҳоли энг зич жойлашган ҳудуд. Ўзбекистоннинг 10 фоиз аҳолиси 1 фоиз ерида яшайди. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йилда янги шаҳар қурилиши бошланган эди. Бу галги ташрифда Президент лойиҳанинг илк натижаларини кўрди.

Ушбу шаҳар Андижон туманидаги адирликда, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган 4 минг гектар майдонда барпо этилмоқда. Қурилиш саккиз

босқичда режалаштириган бўлиб, хозирда 1 минг 770 та хонадонли 63 та уй фойдаланишга топширилган. Шунингдек, 1 минг 680 ўринли мактаб, 420 ўринли болалар боғчаси, 250 қатновга мўлжалланган поликлиника қурилган. Енгил санат корхонаси, ипотека маркази ташкил этилган.

**Давлатимиз раҳбари ҳудуд бўйлаб юриб, янги мажмуаларни кўздан кечирди.** Тайёр хонадонларнинг кўпчилиги оилалар кўчиб келиб, яшамоқда. Бу йил мингдан зиёд хонадонли яна 40 та кўп қаватли уй барпо этилади.

19 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиб, ўн минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари, бута ва гуллар экилди.

**Лойиҳа кўлами кенг.** Ҳудуднинг 1 минг 439 гектарида 2 мингта кўп қаватли турар жой қад ростлайди. Шунингдек, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, 1 минг 820 гектарда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Қурилишлар битгач, бу ерда 410 минг нафардан зиёд аҳоли яшаши мумкин бўлади.

Шу ерда янги қурилиш ва ободон-

лаштириш лойиҳалари тақдимот қилинди. Унга кўра, Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи таъмирланади. Янги Андижонда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳайкали ўрнатилади.

Давлатимиз раҳбари янги боғда хунармандчилик, бадий ва амалий санъат кўргазмаларини томоша қилди. Андижонда ҳар йили расомлар фестивалини ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ САЙЛОВИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!



Баҳодир ЖАЛОЛОВ,

бокс бўйича икки карра Олимпиада ва Осиё ўйинлари ғолиби, икки карра жаҳон ва уч карра Осиё чемпиони:

— Сўнги йилларда маҳалла институти том маънода жамиятнинг миллий бошқарув идорасига айланди. Энди ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожига маҳалла раисининг салоҳияти, ташаббускорлигига боғлиқ эканини ҳисобга олсак, муносиб номзодларга овоз бериш талаб этилади. Шу маънода барчамиз жорий йил ўтказилиши белгиланган фуқаролар йиғинлари раиси сайловида фаол иштирок этишимиз лозим.

Мен спортчи ва ёшлар вакили сифатида мамлакатимиздаги ҳеч бир сиёсий ва иқтисодий ислоҳотга бефарқ эмасман. Ўз маҳалласига, қишлоғига, шаҳару туманига безътибор бўлмаган фуқаролардан мамлакат эртаси, келажаги учун муҳим бўлган тадбир — фуқаролар йиғини раиси сайловида фаол қатнашишини сўраб қоламан. Мен ҳам ўзим яшайтган Мирзо Улуғбек туманидаги “Подшобоғ” маҳалласи раиси сайловида фаол иштирок этман.



ЎН БЕШ  
ДАҚИКА  
САКРАНГ,  
АСАБИНГИЗ  
ТИНЧЛАНДИ



Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташриф бурди.



Президент Шавкат Мирзиёев 14 апрель кунни туризм ва бунёдкорлик лойиҳалари тақдироти билан танишди.



Ўзбекистон 2025 йил 23-25 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган БМТнинг Давлат хизмати форумига илк бор мезбонлик қилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## ЯНГИ БИНО ЯНГИ МАРРАЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАДИ

Бувайда туманидаги “Урганжи” маҳалла фуқаролар йиғини учун барпо этилган янги бино фойдаланишга топширилди. Масканнинг очилиш тадбири чинакам байрамга айланиб кетди.



Худудда 4 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Эски маҳалла биноси 1970 йилда қурилган бўлиб, “еттилик” ходимлари 2 хонадан иборат бинода фаолият юритиб келаётган эди. Маҳалла аҳлининг бирдамлиги, аҳилини натижасида бу муаммо ҳал этилди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига киритилган таклиф якуни натижага кўра, энг кўп овоз тўплаб, ғолиб бўлди. 1 млрд. 390 млн. сўм маблағ ажратилиши ҳисобига замонавий шароитларга эга янги бино қад ростлади. Бу ерда маҳаллада яшовчи ёшлар учун воркаут майдончаси барпо этилиб, асосий кўчаларга кузатув камералари ўрнатилди. Очилиш тадбирида вилоят ҳокимлиги вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, нурунийлар, ёшлар, маҳалла аҳли иштирок этди.

Худудда 7 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. 3 та умумтаълим мактаби, 4 та мактабгача таълим муассасаси, 6 та озик-овқат дўкони ва бошқа хизмат кўрсатиш шохбчаси фаолият юритиб келмоқда.



Бекзод АЙТЕКОВ, Амударё туманидаги Чойкўл овул фуқаролар йиғини раиси.

Минор, Шайх қалъа, Богидил, Оқ тепа кўчалари давлат дастури асосида тош ва шағалланди. Жорий йилнинг шу даврига 47 нафар ишсиз фуқарога 654,5 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди. 91 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди, 28 нафари доимий ишга жойлашди. Йил бошидан 4 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Аҳоли хонадонларида томорқачилик яхши йўлга қўйилган. 203 гектар томорқа ерида мева-сабзавот,

поллиз экинлари етиштирилмоқда. Маҳмуд Норбоев – ана шундай омилкор томорқачилардан. Асли касби ўқитувчи бўлса-да, деҳқончиликда яхши тажриба орттирган. 2020 йилда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 3 сотих майдонда иссиқхона ташкил қилган. Бу ерда помидор, бодринг, турли кўкатлар етиштирилади. Бугунги кунга келиб, иссиқхона майдони 21 сотихга етди. Шунга яраша махсулот тури, кўлами ва даромад ҳажми ошди. Жорий йил март ойда Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси раисининг ташрифидан кейин маҳалламиз янада обод ва кўркам масканга айланди.

Уюшма раиси Қахрамон Куронбоев “маҳалла еттилиги” билан учрашувда бажарилган ишларни юқори баҳолаб, бир қатор тавсиялар берган эди. Жумладан,



“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этишда аҳолининг фаол иштироки ва масъулиятини ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дархат ва бута кўчатлари экишда тарғибот ишларини олиб бориш бўйича вазифалар белгиланди. Қисқа фурсатда хонадонларнинг ташқи фасад қисмини таъмирлаш, томорқага мевали ва манзарали дархат кўчати экиш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари олиб борилди. Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 74 та хонадонга ҳомийлар ва маҳалла бюджети ҳисобидан кўмак кўрсатилди. Ҳашар йўли билан кўча ва хонадонлар обод бўлди. Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида уюшма томонидан 8 та тикув машинаси совға қилинган эди. Ҳозирги кунда тикув корхонаси ташкил этилиб, 14 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди. Эътиборлиси, бу жараёнда кенг жамоатчилик, аҳоли вакиллари уюшқоқлик билан иштирок этяпти. Яъни, халқимиз ислохотларга беварқ эмаслигини кўрсатиб, ташаббускор бўляпти.

## САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Нозим Тўрамурадов, Чуст тумани:

— **ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯЛАР ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ? ШУ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРСАНГИЗ.**

Баҳром Қўшбаков, Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига кўра, сайловни ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар,



Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади. Мазкур комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг қарори билан шакллантирилади. Улар фуқаролар йиғини раисининг навбатдаги сайлови эълон қилингандан кейин ўз фаолиятини тугатади. Комиссиялар таркибига қоида тарихида Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, фуқаролар йиғинларининг, давлат органларининг, нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар комиссияга аъзо шахслар ёки уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда улар комиссия таркибидан чиқарилади. Тегислича, ҳудудлардаги маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларининг ижро аппаратлари комиссияларининг ишчи органлари ҳисобланади.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

## ТАЖРИБА

# Орасталикнинг сири яқин сирдош, дарддошликдан...

МАҲАЛЛАМИЗ КУНДАН-КУНГА ЧИРОЙ ОЧИБ, ОБОД БЎЛИБ БОРЯПТИ. БУ ЖАРАЁНДА АҲОЛИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТЯПТИ. ХУДУДДА 24 ТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙ, 400 ТАДАН ОРТИҚ ХОНАДОН МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАРДА 4 767 НАФАР АҲОЛИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ.

Феруза ОРИПОВА, Яққасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳалла раиси.

Кўчабоши ва уйбошилар билан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тарғибот, тушунтириш тадбирларини олиб бораёмиз. Фаолларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати туфайли “яшил” тои-

фага киритилдик. Таъкидлаш жоизки, барча куч-воситалар маҳалладаги ҳолатни яхшилашга қаратилган. Ҳуқуқбузарларга таъсирчан чора қўллаш, жамоатчилик, ёшлар томонидан содир этилган кўнгилсизликларни ота-оналари иштирокида муҳокама қилиш, сайёр судлар ташкиллаштириш ва бошқа огоҳлик, хушёрликка чақирувчи тадбирлар маҳалланинг телеграм канали орқали узатиб бориляпти. Маҳалла раиси сифатида

Маҳалла аҳолисининг 50 фоизини ёшлар ташкил этади. Аммо уларнинг спорт билан шуғулланиши учун майдон, болалар уйингоҳи йўқ.



фарга яқин юртдошларимиз номи битилган. Меҳнат доим кадрланишига ўз тақдиримда гувоҳ бўляпман. Раҳбарият томонидан “Маҳалла ифтихори” ва “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланганман.

Шу ўринда худудга хос бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Маҳалла аҳолисининг 50 фоизини ёшлар ташкил этади. Аммо уларнинг спорт билан шуғулланиши учун майдон, болалар уйингоҳи йўқ. Бу ҳақда туман ҳокимлигига мурожаат қилганимиз. Агар таклифимиз инобатга олинса, нафақат ёшлар, балки катталар ҳам спортга ошно бўлади. Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш имкониятимиз ортади.



2016 йилдан бери фаолият олиб бораёман. Илк иш кунимдан бошлаб, аҳоли билан янада яқинлашиш, уларга сирдош, дарддош бўлишни бош мақсад қилиб олганман. Ҳар куни эрталабдан кўчаларни айланиб чикаман. Кекса отахон-онахонлар билан суҳбатлашаман. Зарур масалаларда

маслаҳатлашаман. Худуд ободлиги, хонадонлар орасталиги шундан. Ёшу қарида дахлдорлик туйғуси шакланган. 2018 йилдан фуқаролар йиғинимиз янада кўркам қиёфага кирди. Янги замонавий маҳалла биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда аҳоли билан ишлаш

учун ходимларга барча шароит яратилган. Минг дондан ортиқ китоб захирасига эга кутубхона бор. 2021 йилда аҳоли ташаббуси билан “Маҳалла боғи” ташкил этганмиз. Бу ерда “Хотира майдони” барпо қилинган. Унда худудимиздан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 100 на-



Ўзбекистон Сенати ва Европа парламенти ўртасидаги парламентлараро мулоқот янада чуқурлаштирилади.



Эндиликда ёпиқ суд маълумотларини ошкор этганлар жавобгарликка тортилади.



Яшнобод тумани Чирчиқ дарёси бўйида 20 гектарда океанариум қурилади. Ёнида савдо-мехмонхона мажмуаси ҳам қурилиб, уларда жами 1 минг 600 та иш ўрни очилади.

ТАЖРИБА

## Наъматкак етиштириш оммалашса, даромад ортади, аммо...

Фарғона туманининг “Меҳнат-обод” маҳалласида худуд номига монанд меҳнаткашлар яшайди. Аҳолининг асосий даромади томорқадан. Бир қаргач ер бекор турганини кўрмайсиз.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

Одамларнинг турмуш шароити шунга яраша кун сайин яхшиланаяпти. “Маҳалла еттилиги” ташаббуси билан ўзини ўзи банд қилган ҳамда ташаббускор фуқароларнинг тадбиркорлик қизиқишини аниқлаш, уларнинг кичик бизнес субъектига айланишига ёрдам бериш бўйича яхши натижаларга эришилляпти. Зухра Қамбарова маҳалладаги файзли хонадонларнинг бирида яшайди. Қаҳрамонимиз тонгни меҳнат билан қаршилайди. Бундан 30 йил аввал турмуш ўртоғи автохалокатда вафот этган. Аммо бу кўнгилсизликдан тушунликка тушмай, олга интилди. Излаган имкон топар, деганларидек, ўз уйда яхши даромадга эришиш мумкинлигини амалда

исботлади. Бунда унга укаси Тўлқин Эргашев яқиндан кўмаклашди. Тўрт йилдирки, ҳовлида наъматкак қадоқлаш фаолияти йўлга қўйилган. Хонадон декабрь ойидан март ойига қадар маҳалладошлар билан гавжум бўлади. Териб келинган наъматкак сараланаяди. Яроқсиз ва қуриганлари махсус қурилмада чангдан тозаланиб, шаклига қараб ажратилади. Шундан сўнг қадоқлаб, сотувга етказилади. Эътиборлиси, бу иш билан ёшу қари шуғулланиши мумкин. Шу боис Арчазор кўчасида истиқомат қилувчи аксарият аёлларнинг бандлиги таъминланган. Ҳадича Зайлопова асли пайвандчи. 65 ёшда ҳам тинмайди. Кўшни хонадондан топаётган даромади нафақасига қўшимча бўляпти.



Зухра Қамбарова бошчилигида хонадонда тўрт ой давомида бозорга ўртача 20 тонна наъматкак етказиб берилади. Оила аъзоларидан ташқари яна 8 нафар ишсиз аёл вақтинча-

лик иш ўрнига эга бўлган. Фарғона туманининг ўзига хос иқлим шароити ҳамда тупроқ унумдорлиги наъматкак кўчатларини етиштириш учун қулай. Агар бу иш

оммавий йўлга қўйилса, янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг даромади ортади. Аммо бунинг учун ер майдони етишмайди. Барча томорқадан унумли фойдаланади. Аксариятда мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари экилган. Шу жиҳатни инобатга олиб, маҳалла раиси Шўҳрат Мамажонов ташаббуси билан 20 дан ортиқ хонадонларнинг кўча томорқасига наъматкак кўчати ўтказиш йўлга қўйилди. Икки йилдан сўнг улар ҳосилга қиради. Кўчатлар мева бера бошлагач, маҳаллий бозордан ташқари, қўшни давлатларга экспорт қилиш имконияти яратилади. Бир сўз билан айтганда, аҳоли қизиқиши ортидан йўлга қўйилган тадбиркорлик бугунги кунда ўсиш нуктасига айланыпти. Хозирда етакчи тадбиркор Зухра Қамбарова иштирокда кооперация ташкил этиш режа қилинапти.

“ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР”

## Беданачилик бекорга “драйвер”га айланмаган



“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури вақтинча ишсиз бўлган оидалар бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадini қилишга имкон яратяпти.

Аброрбек ЭЛИМУРОВ, Шароф Рашидов туманидаги “Янги диёр” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Кичик бизнеснинг беданачилик, паррандачилик йўналишлари сердаромад бўлиб, меҳнатга яраша фойда олаётган аҳоли сони ортиб борапти. Мисол

учун, минг бош беданадан қунига 800 донагача тухум олиш мумкин. Агар 400 сўмдан сотилса, бу қунига ўртача 280 минг сўм даромад, деганидир. Шу боис маҳаллада беданачилик ва паррандачилик янги ўсиш нуктасига айланди. Маҳаллий тадбиркор ташаббуси билан кооперация тизими жорий этилди. Натихада ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланди. Шамсиддин Норбўтаев “Андижон тажрибаси” асосида бундан бир ой олдин беданачилик билан шуғулланишни бошлаганди. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун унга имтиёзли кредит ажратилди. Қисқа вақт ичида натижа бўй кўрсатди. Бошланишига минг бош бедана билан иш бошланган бўлса, ҳозир уларнинг сони 4 500 тага етди. Мухими, тадбиркор мустакил тарзда, уй шароитида кўпайтира бошлади. Шу кунларда яна 1,5 минг

“Хонадон эгалари бедана тухуми ёки гўшти учун харидор излаб юрмайди. Шартномага асосан, кооперация тизимида тадбиркор томонидан сотиб олинапти.

дона жўжа парваришланаяпти. Соҳанинг сердаромад эканини ўз кўзи билан кўрган бошқа маҳалладошлар ҳам қизиқиш билдира бошлади. Яна 1 000 донадан бедана иккита оилага бўлиб берилди. Улар тайёр қафас, суғориш тизими ва озуқа билан таъминланди. Ҳар бир тадбиркор 6 та янги иш ўрни яратган. Мухими, хонадон эгалари

бедана тухуми ёки гўшти учун харидор излаб юрмайди. Шартномага асосан, кооперация тизимида тадбиркор томонидан сотиб олинапти. Таъкидлаш керакки, “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилгач, муаммоларни ҳал этиш янада осонлашди. Хотин-қизлар фаоли Наргиза Пулатованинг ташаббуси билан “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган 15 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Бунинг учун ишсиз бўлган Гулмира Бегимқуловага 100 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, тикув цехи ташкил этилди. Маълумки, ҳар бир ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун, аввало, зарур шароит бўлиши керак. 2023 йилда худуд “Обод маҳалла” дастурига киритилиб, “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида кенг қўламли ишлар олиб борилди. Фуқаролар йиғинида амалга оширилган ободонлаштириш, қурилиш, таъмирлаш ишлари бунга яққол мисол бўлади. “Обод хонадон” мезони асосида мавжуд хонадонлар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, муаммолар ўрганилди. 60 га яқин кам таъминланган, эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оидалар аниқланиб, уларнинг уйи жорий ва капитал таъмирланди. Мавжуд 48 та кўчада “Обод кўча” мезони жорий этилиб, инфратузилма яхшиланди. Ҳусусан, 6 километр ички йўл асфальтланди, 6 километр тупроқ йўлга шағал ётқизилди. Шунингдек, “Обод маҳалла” мезони асосида 14 километр тоза ичимлик сув тармоғи тортилди. Ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 100 фоизга етказилди. Куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида 4 километр газ қувури соз холга келтирилди. Тўртта трансформатор таъмирланиб, эски симёғоч 50 та бетон устунга алмаштирилди. Янги маҳалла бизнеси қуриб, фойдаланишига топширилди, 6 та хонадан иборат қишлоқ врачлик пункти қад ростлади. Амалга оширилган юқоридаги хайрли ишлар натижасида аҳолининг яшаш даражаси яхшиланиб, даромади ортмоқда.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

## ДАРАХТЛАРНИ БАҲОР СОВУҒИДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАШ МУМКИН?

Баҳор — дехқончилик учун уйғонинг фасли. Бирок ҳавонинг совиб кетishi, айниқса, кеча-кундуз ҳароратнинг кескин пасайиши экинларга жиддий таъсир қилиши мумкин.



Алижон ЭСОНҚУЛОВ, Академик М.Мирзаев номидаги боддорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори.

Тоғли ва тоғолди ҳудудлар — масалан, Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани, Фарғона водийсининг баланд жойлари, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятининг тоғолди ҳудудларида баҳорги совуқ кузатилади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятларининг чўлга яқин баъзи қисмлари, дарё бўйлари ва пастиқлар — ҳаво намлиги юқори бўлган жойларда ҳам тунда кучли совуқ бўлади. Ҳўш, бу вазиятда экинларни қандай ҳимоя қилиш мумкин? Аввало, тупроқни нам сақлаш лозим. Намлик ҳавонинг иссиқлигини яхши ушлаб туради, шунинг учун суғоришни тўғри режалаштириш керак. Ёпқичлар ва тунги пардалов ҳам яхши самара беради. Шунингдек, тунунлатиш усули орқали совуқ ҳавонинг тўғридан-тўғри экинларга таъсири камайтиради. Ер устига пўстлоқ, қоғоз ёки хас-чўп ёпиб қўйиш совуққа чидамли муҳит ҳосил қилади. Бу органик мулчалаш деб аталади. Ҳавф мавжуд бўлган ҳудудларда аънавий муддатдан 1-2 ҳафта кечикти экин экиш тавсия этилади. Совуқ кўпинча март ойининг охиридан апрель ойининг ўртасигача давом этади. Шунинг учун дехқонлар ўз вақтида чора кўриши лозим.

БИЛИБ ОЛИНГ!

## Агар норасмий банд бўлсангиз...

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонгир ҚўНФИРОТОВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси ҳуқуқ инспектори.

Президентнинг “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асо-

сан, юридик шахсларда фаолият юритаётганларнинг — “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларига дастурий-аппарат комплексида, норасмий бандлик улушини қисқартириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ҳар чоракда маҳаллаларда норасмий банд бўлган фуқаролар ўртасида сўровнома ўтказиб бориляпти. Сўровномалар натижасида норасмий бандликни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар қуриляпти.



Афсуски, шунга қарамай, корхоналарга норасмий тарзда ишга жойлашиш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши, солиқ соҳасида қонуний тартибларга зид хатти-ҳаракатлар кўпайишига олиб келяпти. Шу боис фуқаролар бир қатор жиҳатларни билиб олишлари лозим. Агар иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузмасдан ишласангиз, меҳнат стажингиз бўлмади ва пенсия ололмайсиз, иш берувчи сизни

исталган пайт ишдан бўшатиши ёки ойлук маошингизни бермаслиги мумкин. Бундан ташқари, ноқулай меҳнат шароитларига дуч келасиз, бола парвариши, ҳомиладорлик, тиббий тартибларга зид хатти-ҳаракатлардан маҳрум бўласиз, уй, машина ёки бошқа эҳтиёжлар учун кредит ололмайсиз. Қолаверса, ўзгарувчан ойлук маоши, меҳнат таътилсиз фаолият, карьеранинг ўсмаслиги кузатилади. Шундай экан, норасмий меҳнатга рози бўлмаган!



2025 йилда Исроил ва Марокаш давлатларига кон-металлургия маҳсулотлари экспорт қилинади.



Ўзбекистонда 2025/2026 йилги иситиш мавсумида эҳтиёжманд оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилади.



Ўзбек олимлари томонидан иссиқхоналар учун мўлжалланган ҳароратни мўътадиллаштирувчи “ақлли” плёнка ишлаб чиқарилади.

янги лойиҳа

## “ЁРҚИН ИСТЕЪДОД”: МАҲАЛЛАДАГИ КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТ

Ўзбекистонда кейинги йилларда ёшларга оид ислохотлар ва таълим соҳасидаги янгиланишлар қаторида яна бир муҳим кадам қўйилди — 2025 йилдан бошлаб, “Эл-юрт умиди” жамғармаси доирасида “Ёрқин истеъдод” номли янги лойиҳа жорий этилди. Ушбу ташаббус хорижда таълим олган ёш мутахассислар учун қатта имкониятларни яратди.



### Лойиҳанинг мақсади қандай?

“Ёрқин истеъдод” лойиҳаси орқали энди хорижда магистратура ёки докторантура даражасида таълим олган ёшлар Ўзбекистондаги давлат ташкилотларига танловсиз ишга қабул қилинади. Бу, авваламбор, уларнинг олий таълимда орттирган билим ва халқаро тажрибасини давлат бошқаруви, иқтисодиёт, илм-фан ва бошқа муҳим соҳаларда самарали қўллашга хизмат қилади.

Бунгача хорижда ўқиб қайтган кўплаб ёшлар Ўзбекистонда ишга жойлашишда давлат ташкилотларида ишга кириш учун мураккаб танлов ва тест жараёнларидан ўтиш талаб қилиниши, хорижий дипломларни расман тан олиш жараёни кўп вақт ва ресурс талаб қилиши, янги битирганларда тажриба етарлича бўлмагани сабабли иш топишда қийналиши, мутахассислик мос келмаслиги ва айрим ташкилотларда чет элда ўқиб келганларга нисбатан ишончсизлик бўлиши каби қатор тўсиқларга дуч келарди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан очик мулоқотда белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан, “Ёрқин истеъдод” лойиҳаси орқали бу тўсиқлар бартараф этилади.

### Яъни, бунда қуйидагилар назарда тутилади:

- ✓ ҳар йили иқтидорли, билимга чанқоқ, оғир оилавий шароити сабабли ўқиш имкониятига эга бўлмаган камбағал оилалар фарзандларини хорижда ўқитиш мақсадида ҳар бир маҳалладан фаол ёшлар саралаб олинади;
- ✓ саралаб олинган ёшларнинг иқтидорини аниқлаш орқали уларни салоҳиятига мос хорижий олийгоҳларга юбориш учун тайёргарлик курсларида ўқитилади.

“Эл-юрт умиди” жамғармасига жорий йилда “Ёрқин истеъдод” лойиҳаси учун 300 миллион сўм ажратилади. Шунингдек, “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали хорижий мамлакатларда таълим олиб қайтган стипендиантлар миллий кадрлар захирасига тўғридан-тўғри киритилади ҳамда улар давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларига танловсиз ишга олинади.

2025 йил 1 июндан нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 100 талик рўйхатига киритилган хорижий олий таълим ташкилотларида илмий даража олган 35 ёшгача бўлган мутахассисларга уй-жой сотиб олиш учун худуддан келиб чиқиб, ўн йил муддатга БХМнинг 2 150 бараваригача миқдорда фоизсиз ссуда ажратилади. Нуфузли халқаро фан олимпиадалари ғолиб ва совриндорларига тўланадиган бир марталик пул мукофотининг амалдаги миқдорлари 5 бараварга оширилади.

“Ёрқин истеъдод” лойиҳаси, бу — нафақат хорижда ўқиган ёшларга ишга жойлашиш имкони, балки Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш йўлидаги муҳим кадамдир. Бу орқали давлат тизимига билимдон, дунёқараши кенг ва замонавий ечимларга тайёр янги авлод қўшилади.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

МАНЗАРА

## Тарқоқ таълим эмас, ягона мактаб керак



ДОИМИЙ РАВИШДА ЙИГИТ-ҚИЗЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ШАРТЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ КЕРАКЛИГИНИ ЭСЛАТИБ ТУРАМАН.

Шерзод ШОДИЕВ, Бухоро шаҳридаги Сайфиддин Бохарзӣ номлидаги маҳалла ёшлар етакчиси.



Уларнинг айтишича, илгари тавсия этилган ёшлар айрим талаб ва мезонларга тўлиқ жавоб бермаган.

Шу сабабли мен йигит-қизларга имтиёзли кредит олиш учун қандай шартларга риоя қилиш кераклигини эслаб тураман. Улар камиди 6 ой давомида ишсиз бўлиши, бошқа кредитга эга бўлмаслиги, илгари кредит олиб, тўловни кечиктирган ёки “қора рўйхат”га тушган бўлмаслиги лозимлигини тушунтирдим. Мана шу белгиланган талаблар асосида яқинда бир нафар ёшга тадбиркорлигини ривожлантириш учун имтиёзли кредит ажратилишига эришмоқдамиз. Бу орқали у ўз ишини бошлаб, мустақил даромад топиш имконига эга бўлади.

бири — Муҳаббат Бекова ўзининг “Шерлар тўплами” номли илк китобини оммага тақдим этди. У мунтазам равишда “Ёш китобхон” танловларида иштирок этиб, адабий билимини ошириб боради. Унинг китобсеварлиги бошқа ёшларимиз орасида ҳам китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошираётир.

Ёшлар хорижий тилларни ўрганиш ва замонавий касблар бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантиришда фаол. Масалан, яқинда 6 нафар ёш “ELTS” имтиҳонидан 7 балли кўлга киритди — бу биз учун қатта ютуқ. Шу билан бирга, 3 нафар ёш ҳозирда чет эл университетларида тахсил олаётган бўлиб, улар маҳалламизнинг фахрига айланган. Уларнинг муваффақиятларидан руҳланган бошқа йигит-қизлар ҳам ўқув курсларига ёзилиш учун бизга мурожаат қилмоқда. Биз эса уларга тўғрақ харажатларини қоплаб, ўз иқтидорини юзага чиқаришлари учун доимо кўмак беришга тайёرمиз. Шу тарзда 5 нафар ёшни замонавий касблар — “IT” ва “SMM” йўналишлари бўйича ўқитдик. Ҳозирда улар курсларни муваффақиятли тамомлаб, ўз соҳалари бўйича фаолият юритмоқда.

Худудимизда инфратузилма яхши ривожланган, деб айтолмайман. Асосий муаммолардан бири — йиғинимизда умумтаълим мактабининг мавжуд эмаслигидир. Айни пайтда ўқувчиларимиз турли худудлардаги мактабларга қатнаб, тахсил олишга мажбур. Ёшларимизнинг қайси мактабларда ўқиётганини аниқлаш мақсадида рўйхат туздик. Натижада улар 24 та турли мактабда тахсил олаётгани маълум бўлди. Шу боис, биринчи навбатда, йиғинимизда мактаб қурилиши зарур, деб ҳисоблайман. Агар таълим муассасаси ўзимизда бўлса, ёшларимиз турли жойларга қатнашга мажбур бўлмасдан, ўз худудида, қўлай шароитда ўқиш имкониятига эга бўлар эди. Бу нафақат уларнинг вақтини, балки хавфсизлигини ҳам таъминлайди.

Маҳалламиздаги ҳар бир ёшнинг муаммоси, орузи биз учун муҳим. Кимдир ўқимоқчи, кимдир иш излаётган — биз уларнинг ҳар бирига имкон яратишга интиляпмиз. Айни пайтда маҳалламизда 782 нафар ёш рўйхатга олинган бўлиб, улар билан алоҳида ишляпмиз. “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларга шартнома асосида тўғрақ пуллари ҳамда бошқа зарур моддий ёрдамлар тўлаб берилди. Ишсиз юрган 24 нафар ёш ишлаб чиқариш ва маиший хизмат



йўналишлари бўйича иш билан таъминланди. Ҳозирда тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган ёшларга имтиёзли кредит ажратиш устида ишляпмиз. Яқинда ёшларнинг тадбиркорлик режалари асосида банкларга тавсиялар бердик. Бироқ, афсуски, банк ходимлари бу тавсияларни инобатга олмади. Аксинча, улар биздан янги рўйхат шакллантиришни сўрашди.

Маҳалла биносида мўъжазгина кутубхона фаолият юритмоқда. Ким хоҳласа, китобни уйига олиб кетиб, бемалол ўқиши мумкин. Ўқиб бўлгач, яна қайтариб, ўз жойига топширади. Китобхон ёшларимиз билан бир қаторда, маҳалламизда шеър ёзишга қобилиятли, сўзларни маржондек тизиб, бадий қолига соладиган ижодкор ёшлар ҳам кам эмас. Ўтган йили улардан

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Ҳар бир тупдан 25 кг. банан

Миришқор туманидаги “Ўзбекистон” маҳалласида яшовчи боғбон Тошқул Қаландаров ўзининг 10 сотихли томорқасида боғдорчилик билан самарали шуғулланмоқда.



### У

томорқасининг 2 сотихида бодринг, 1 сотихида 44 туп банан ва турли кўчатлар етиштириб, худудда аграр ҳоҳиши ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Албатта, ер билан ишлаш қатта меҳнат ва сабр талаб қилади, — дейди миришқор боғбон Тошқул Қаландаров. — Банан кўчатини ерга қадаганимизга икки йил бўлди. Бор эътиборимизни ерга бериб адашмаган эканмиз. Ниҳоят банан ҳосилга кириб қолди. 44 туп бананнинг ҳар биридан 25 килограммгача мева олиниши кутуляпти. Бундан ташқари, ҳар икки мавсумда бодринг етиштирамиз. Баҳорги мавсумнинг ўзида икки тоннага яқин ҳосил олинади. Қишда исмапоқ экиб, ердан йил давомида унумли фойдаланиб келамиз.

Маҳаллий аҳолини деҳқончилик ва боғдорчиликка кенгроқ жалб қилишда ушбу хонадоннинг томорқа тажрибаси самарали фойда бермоқда. Қаландаров томонидан етиштирилган кўчатлар сифати, ҳосилдорлиги ҳамда уларни парвариш қилиш жараёнлари ўрганилиб, тажрибали боғбоннинг сазой-ҳаракатлари нафақат ўз хонадонига, балки маҳалладошларига ҳам ўрнак бўлмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## УЙ БЕКАСИ СИФАТИДА ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛИШ МУМКИНИ?



Лайло БАРАТОВА. Қизилтепа тумани:

— МЕН УЙ БЕКАСИМАН. АЙНИ ШАРОИТДА ҚАНДАЙ ҚИЛИШ ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛИШИМ МУМКИН?

Абдували АСАДОВ, Қизилтепа тумани адлия бўлими бошлиғи:

— Бугунги кунда банд бўлмаган фуқароларга ўзини ўзи банд қилган ҳолда ижтимоий солиқ тўлаш орқали иш стажига эга бўлиш имконияти яратилган. Жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан белгиланган бўлиб, шу асосида 103 фаолият турларидан бири билан шуғулланиб, ўзини ўзи банд қилган ҳолда рўйхатдан ўтиб, йилига БХМнинг камида бир баравари миқдорда ижтимоий солиқ тўлаган ҳолда 1 йиллик иш стажига эга бўлишлари мумкин.



Давлат бошқарув академиясида солиқ бошқармалари бошлиқлари учун ўқув-семинари ўтказилди.



Президент ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши ва эксперт гуруҳларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



2025-2028 йилларда Самарқанд вилоятининг 52 та маҳалласида 47 та мактаб, 22 та болалар боғчаси, 14 та қишлоқ поликлиникаси қурилади ёки реконструкция қилинади.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

## ФАОЛ ТАДБИРКОРГА 10 БАЛЛ БЕРИЛАДИ

Электрон ҳисобварақ-фактураларни товарлар жўнатилган (топширилган) ёки хизматлар кўрсатилган календарь санада расмийлаштирилиши шарт. ЭХФ электр ва иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал ва алоқа хизматлари, темир йўлда ташиш, транспорт-экспедиторлик хизматлари, қувурлар тизими орқали юкларни ташишга доир хизматлар учун календарь ойнинг сўнгги куни билан мазкур ой давомида амалга оширилган операциялар учун бир марта тақдим этилади.



Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига товар-моддий бойликларни ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори билан киритилган ўзгартиришга мувофиқ, эндиликда юқоридаги ҳолатлар бўйича ЭХФ товар (хизмат)лар реализация қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-кунига қадар, реализация амалга оширилган ойнинг охиригача санаси билан расмийлаштирилади.

Қонунчиликка мувофиқ, реализация қилинаётган товарлар қиймати ёки миқдори ўзгарганда қўшимча ёки тузатилган ЭХФ тақдим этиши мумкин. Шунингдек, илгари тақдим этган солиқ ҳисоботида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ўзгарганда ҳисоботга зарур тузатишлар киритилиши ва аниқлаштирилган ҳисобот тақдим этилиши лозим.

Солиқ органларида мавжуд маълумотлар таҳлил қилинганда айрим солиқ тўловчилар томонидан қўшимча ёки тузатилган ЭХФлар бўйича қайта солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлиги натижасида солиқ ҳисоблан-маслик ҳолатлари аниқланмоқда.

Солиқ тўловчиларга қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда солиқ ҳисоботларини тўғри юритиш тавсия этилади. Акс ҳолда қонунчилик ҳужжатларига асосан белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари кўрилади. ЭХФларни белгиланган муддатларда расмийлаштирилганлик учун эса тадбиркорлик субъектларига барқарорлик рейтингига 10 балл берилди.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

"СОЛИҚЧИ – ҚЎМАҚЧИ"



## "МАҲАЛЛАБАЙ" ИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАЧ, СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИ КАМАЙДИ

Йигирма саккиз йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, солиқ инспекторларининг маҳалла даражасига туширилиши давлат бюджети учун ҳам, халқ учун ҳам катта қулайликлар яратди.

Лазизжон РЎЗИМУРОВ, Муборак туманидаги "Қурувчилар" ва "Истиқлол" маҳаллалари солиқ инспектори.

Хабарингиз бор, олдинлари фуқаролар оқибатдаги ҳисоботларни қўйиб қўйиб, ортиқча вақтини ва пулини сарфлашга мажбур бўларди. "Маҳаллабай" иш ташкил этилгач, ҳар куни маҳаллаларда юриб, солиқ тўловчиларни қизиқтирган саволларига жавоб берамиз. Натижада аҳолининг солиқ соҳасидаги билими ортиб, тўловларни ўз вақтида амалга оширяпти. Масалан, илгари фуқароларнинг мол-мулк ва ер солигидан 3-4 йиллаб қарздорлиги кузатилад эди. Ҳозир тушунтириш ва тарғиб-ботларимиз натижасида солиқ



Лазизжон Рўзимуродов Маҳалла тизими ходимлари кунда "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони билан тақдирланди.

қарздорликларни ўз вақтида тўлаяпти. Бу борада "Soliq" мобил иловаси солиқ тўловчиларнинг энг яқин қўмақчисига айланди. Ушбу илова орқали қарздорлиги бор-йўқлигини ёки қанча, қанча солиқ тўлашни кузатиб бориши мумкин. "Солиқчи – қўмақчи" таъмоили асосида фуқароларни солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этганимиздан сўнг тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдираётганлар сони кўпайди. Шу боис бунда тадбиркорларга қонуний фаолият юритиши бўйича маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатяпмиз. Натижада менга бириктирилган маҳаллаларда савдо-сотик, ишлаб чиқариш, маиший ва техник хизмат кўрсатиш, тиббий хизмат, умумий овқатланиш соҳалари ривожланди. Ўз навбатида, тадбиркорлар сони 30 фоизга, солиқ тушумлари 70 фоизга ўсди. Биргина ўтган йили март ойида 148 миллион сўм солиқ тушуми ундирилган бўлса, жорий йил ушбу ойда 201 миллион сўмни ташкил этди.

Айни пайтда "Қурувчилар" ва "Истиқлол" маҳаллаларида 65 та юридик корхона, битта фермер хўжалиги, 84 нафар

якка тартибдаги тадбиркор бор. Жорий йилнинг шу кунига қадар вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 4 нафар тадбиркор фаолияти қайта тикланди. Норасмий ишлаётган 25 нафар фуқаронинг фаолияти қонунийлаштирилди. Ўзини ўзи банд қилган 1 015 нафар фуқаронинг аксарияти чорвачилик, хунармандчилик, тақсичилик, сартарошлиқ, ҳамширалик иши ва новвойчилик бўйича расмий даромадга эга.

Мазкур ҳудудлар "Бухоро-Қарши" катта автомобиль йўли бўйида жойлашгани учун янги иш ўринлари ташкил этиб, солиқ тушумларини ошириш имконияти бор. Шу боис мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, савдо-сотик, маиший ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш тармоқларини ривожлантиряпмиз. Шунингдек, аҳолига хонадонларида чорва моллари боқишни тарғиб этяпмиз. Биргина ноқонуний ўзлаштирилган ер майдонларининг кадастр ҳужжати ва оқова сув билан боғлиқ муаммолар бор. Агар ушбу масалалар тезроқ ҳал этилса, иш самарадорлигимиз янада яхшиланади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Темур АБДУРАҲМОНОВ, Наманган вилояти:

– Тадбиркор бўлганим учун солиқ текширувлари ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлишга қизиқаман. Айтингчи, бугунги кунда солиқ аудити текшируви жараёнида тадбиркорлик субъектлари орасида қандай камчиликлар кузатиляпти?

## СОЛИҚ АУДИТИДА ҚАНДАЙ КАМЧИЛИКЛАР КУЗАТИЛЯПТИ?



Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

– Ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари орасида харид қилинган товарлар ва сотилган товарларнинг сони ва номенклатураси бўйича номувофиқликлар жуда кўп учрамоқда. Айниқса, назорат-касса машинаси орқали сотилган товарлар билан бухгалтерия бирламчи ҳужжатларидаги, яъни материаллари ҳисоботидаги товарлар сони ва номенклатураси ўртасида катта тафовутлар кузатиляпти. Бунинг натижасида камомад ва ортиқча товарлар мавжудлиги юзага келяпти.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 299-моддасига асосан, текин олинган мол-мулк (хизматлар) бўйича аксарият тадбиркорлик субъектлари фойда солиғи ҳисоботини даромад қисмига кўрсатмасдан, солиқ базасини нотўғри кўрсатиш ҳолатлари учрамоқда. Солиқ кодексининг 299-моддаси 4-бандида кўрсатилган қарз берувчига фойзли даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш чоғида қарз олувчининг даромади қарз олиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаси билан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Қарз олувчининг даромадини аниқлашнинг худди шундай тартиби қарз олиш санасида ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаси билан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

МУРУВВАТ

## Ғамхўрлик яшаш учун қулайлик яратди

Пискент туманидаги "Мингтепа" маҳалласида яшовчи Умида Мирабдуллаева узоқ йиллар давомида оғир синовларни бошидан ўтказди. Ўн йил олдин турмуш ўртоғи оғир касаллик туфайли вафот этгач, у беш нафар фарзандини ёлғиз ўзи катта қилди.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.

Умида опа турмуш қийинчилиklarини енгиб яшашга ҳаракат қилди. Уйдан бор-йўғи 30 метр узоқликда ўтган табиий газ қувуридан фойдаланиш имкони бўлмагани эса энг оғир муаммолардан бири эди. Ҳар қиш мавсуми уйни иситиш учун печкага кўмир ва узум новдаларини ёқиб, иситишга мажбур бўлди. Бироқ сўнгги вақтларда

Умида опанинг ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Маҳаллада фаолият юритаётган ижтимоий ходим ва ҳоким ёрдамчиси унинг ҳолатини ўрганиб, "Камбағал оилалар реестри"га киритди. Бу эса уни давлат томонидан тизимли ва манзилли ижтимоий ёрдам билан қамраб олишга асос яратди. Айни пайтда мамлакатимизда жорий этилган ижтимоий ҳимоя тизими самараси Мирабдуллаева мисолида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Ушбу тизим орқали эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш, уларга аниқ эҳтиёжга мос ёрдам турларини кўрсатиш,



Аёл ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатида туради. Унинг фарзандлари ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Улар қўшимча тил курслари ва спорт тўғралакларига жалб этилиб, нафақа ҳам тайинланди.



фуқаролар билан доимий алоқа ва назоратни йўлга қўйиш имкони яратилди. Ушбу оила Пискент тумани ҳокими Музаффар Ориповга

бириктирилган бўлиб, амалий ёрдам кўрсатиляпти. Жумладан, ушбу хонадонга газ қувури тортилиб, тармоққа уланди. Хонадонига янги эшик

ва ромлар ўрнатилди ва тўлиқ таъмирланди. – Оилавий ташвишлар туфайли хонадонимизни газлаштиришга имкон бўлмаган.

Ҳоким келиб, муаммоларини эшитди. Шундан сўнг яшаш-мизга анча қулайлик бўлди. Давлатимиз ғамхўрлигини чиндан ҳис қилдим, – дейди Умида опа. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу аёл ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатида туради. Унинг фарзандлари ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Улар қўшимча тил курслари ва спорт тўғралакларига жалб этилиб, болалар учун нафақа ҳам тайинланди. Умида опанинг ўзи эса ҳозирда ошпазлик йўналишида иш билан банд. Бир неча йил аввал оғир жароҳлик амалиётини бошдан кечирганига қарамастан, ҳозирда соғлиғи яхшиланмоқда. Бу фуқаро мисолида кўриш мумкинки, ижтимоий ҳимоя тизими нафақат моддий ёрдам, балки одамларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, меҳнатга қайтариш, фаолликни ундашга мумкин ҳақиқат касб этмоқда.



“Хаж-2025” дастури бошлангани учун 14 апрелдан бошлаб “Uzbekistan Airways” Тошкент–Жидда–Тошкент йўналишидаги рейсларда Умра визасига эга йўловчиларни қабул қилишни тўхтатди.



Сунъий интеллектдан ғаразли мақсадларда фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.



Мамлакатимизнинг 10 та вилоятида умумий қуввати 4067 мегаватт бўлган 11 та қуёш фотоэлектр станцияси ҳамда 3 та шомол электр станцияси “яшил” энергия ишлаб чиқармоқда.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

## ЎРИНДОШГА МЕХНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК ПУЛИ БЕРИЛАДИМИ?


Шароф БОЛТАЕВ,  
Андижон вилояти:

Муҳаммадамин  
КАРИМЖОНОВ,  
ҳуқуқшунос, адвокат:

– Бизда ярим ставкада ишлайдиган ходим касаллик таътилига чиққан эди. Асосий жойидан меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини олган, лекин биздан ҳам олиши кераклигини айтди. Шу тўғрисида?

– Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 18-бандига кўра, ўриндошлар ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олиш, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 314-сон қарори асосида тасдиқланган “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳамда янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга вазирлар Маҳкамасининг 40-бандига кўра, нафақалар ўриндошлик асосидаги (шу жумладан, ички ўриндошлик асосидаги) иш жойи бўйича ҳам алоҳида тўланади. Солиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусخаси ўриндошлик асосидаги иш жойидан нафақа олиш учун асос ҳисобланади.




Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 314-сон қарори асосида тасдиқланган “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳамда янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга вазирлар Маҳкамасининг 40-бандига кўра, нафақалар ўриндошлик асосидаги (шу жумладан, ички ўриндошлик асосидаги) иш жойи бўйича ҳам алоҳида тўланади. Солиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси ўриндошлик асосидаги иш жойидан нафақа олиш учун асос ҳисобланади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

## НОТАНИШ ҚУРИЛМАДАН НАРИРОҚ БЎЛИНГ!

Бугунги кунда кибержиноятчилар алдов йўли билан ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларингизни эгаллаб олиб, сизнинг номингиздан бошқаларга зарарли дастурларни юбормоқда.



Жиноятчиларнинг туғози қуйидагича ишлармоқда.

Дастлаб улар сизга телеграм ижтимоий тармоғидаги премиум версиясининг бир йиллик обунасини шунчаки совға тарзида такдим этади. Эътибор беринг, ҳеч қандай расмий ташкилотлар ҳам сизга шунчаки бепул обуна ёки бошқа хилдаги совғалар бермайди.

Агар сиз яқинларингиздан ёки бегона аккаунтлардан келган бундай совға хабарларни очиб, унда келтирилган ҳаволаларнинг устига боссангиз, вирус автоматик равишда сизнинг аккаунтингизни эгаллаб олади ва бундай совға хабарларни барча контактларингизга юборади. Бу эса зарарли холлатини янада кучайтириши мумкин.

Бундан ташқари, шахсий маълумотларингиз хавф остида қолади. Яъни, рақамингизга уланган банк пластик картаси маълумотлари ҳам кибержиноятчилар томонидан ғаразли ниётларда фойдаланилади.

Хурматли фуқаролар, телеграмдаги “созламалар” рўқнига кириб, “фаол сеанслар” бўлимини доим кўздан кечириб туринг. У ерда бошқа бегона қурилма сизнинг аккаунтингизга қўшилиб қолган бўлса, нотаниш қурилмани рўйхатдан дарҳол ўчириб ташланг. Шунингдек, барча ижтимоий тармоқларингиздаги аккаунтларингизни икки босқичли ҳимоя тизимидан фойдаланинг.

Ҳар қандай кўринишдаги шубҳали “SMS”, телеграмдаги ёлғон хабарлар, реклама ва турли эълонларга эътиборлироқ бўлинг. Уларни очманг ва дарҳол ўчириб ташланг. Ижтимоий тармоқлардаги ҳар қандай хизматларни фақат расмий манбалардан олишга ҳаракат қилинг.

Огоҳ бўлинг, бу каби таҳдидлардан ўзингиз ва яқинларингизни асранг.

Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати

# Жамоатчилик жинойтга жим қараб тургани йўқ

МАҲАЛЛАМИЗ ТУМАН МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН. ҚЎШНИ ЙИҒИН БИЛАН ЁНМА-ЁН ХУДУДДА БОЗОР ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ БОР. ШУ БОИС ТУНУ КУН ОДАМЛАР СЕРКАТНОВ. УЧ МИНГ ДАН ОРТИҚ АҲОЛИНИНГ АКСАРИЯТИ ТАДБИРКОРЛИК ВА ХУНАРМАНДИЧЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ. ТОМОРҚАЛАРИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚИЛИШАДИ.



Жасурбек СОБИРОВ, Ҳазорасп тумани Ойбек номидаги маҳалла профилактика инспектори.

Жасурбек СОБИРОВ, Ҳазорасп тумани Ойбек номидаги маҳалла профилактика инспектори.

Бизнинг асосий вазифамиз – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш. Шу боис, аввало, жинойтларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлишини инобатга олган ҳолда Жамоатчилик назорати маркази ташкил этдик. У ерда Миллий гвардия ва патруль-пост хизмати ходимлари иштирокида тунги навбатчилик гуруҳи ташкил этиб, зарур шароитлар яратдик. Хусусан, ҳудуднинг турли нуқталарига ўрнатилган инсон юзидан танувчи, транспорт воситаларини давлат рақамидан кимга тегишлигини аниқловчи замонавий видеокузатув қурilmалари интеграцияси орқали бутун маҳал-

лани кузатиб борамиз. Бирор манзилда ҳуқуқбузарлик ёки чақирув бўлса, тезкор етиб борамиз.

Ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, “маҳалла еттиллиги” билан муаммоларини ҳал этиш чораларини кўряпмиз. Уйма-уй юриш тизими асосида нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган, руҳий касалликка чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишляпман. Бирор ноҳушлик келиб чиқмаслиги учун ҳар ҳафта уларнинг хонадонидан хабар оляпман. Спиртли ичимликка ружу қўйган ва руҳий касалликка чалинганларни давлатиш чоралари кўриляпти. Тўртта нотинч хонадонга таъминот тугмаси уланган бўлса, шундан урта оила бекасига химоя ордери берилди. Ҳар икки ҳолат ўзининг ижобий натижасини беряпти. Бугун кибержиноят-

ларнинг турли кўринишлари намойён бўляпти. Фуқароларнинг бундай фирибгарлар тузоғига тушиб қолмасликлари учун аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг асл сабабларини тушунириб боряпман. Шунингдек, маҳалламиз учун алоҳида телеграм гуруҳи очиб, махсус огоҳлантирувчи видеоқўланма ва видеороликлар жойлаб боряпман. Аҳоли гавжум жойларга махсус баннерлар ўрнатдик.

“Мақтаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида ҳудуддаги иккита умумтаълим мактабида учрашувлар ташкил этиб, ўқувчиларнинг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Мактабларда турли тўғараклар фаолияти йўлга қўйилиб, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида турли фан, санъат ва спорт мусобақалари ташкил этиляпти. Психолог-инспектор иштирокида дарс қолдираётган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан профилактик суҳбатлар ўтказиляпти. Бундай ҳолат қайта такрорланса, ота-оналарга тегишли

чоралар қўлланиляпти.

Бир сўз билан айтганда, жинойтчилик эмас, унинг олдини олиш билан курашяпмиз. Шу боис тўрт йилдан буюн жинойтдан холи ҳудуд – “яшил” тоифадамиз. Бироқ бир зум бўлса-да, ҳушёрликни йўқотганимиз йўқ. Аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, тарғибот тадбирларини ўтказяпмиз. Бу борадаги ишларимизни Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси билан уйғунлиқда олиб боряпмиз. “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, “маҳалла еттиллиги”нинг ҳар бирига ўз йўналишлари бўйича маълум вазифалар юклатилган. Энг кўп шикоят ва ариза келиб тушадиган Тупроққалъа туманида кетадиган автобематдаги турли ҳуқуқбузарликлар ҳам назоратга олинди.

Энг муҳими, ҳуқуқбузарликларнинг туб илдини барвақт аниқлаб, бартараф этиш чоралари кўриляпти.



БАНДЛИК

## Сўхнинг “қизил олтин”и

Анклав, боз устига тоғли ҳудудларда яшашнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Аммо шу билан бирга, яхши томонлари ҳам бор. Мисол учун, пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган Сўх тумани дунёда зияворлар сардори ёки “қизил олтин” деб аталадиган заъфарон етиштириш учун жуда қулай.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА,  
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Раҳод Одилбоев – асли ҳуқуқшунос. Аммо бугун уни кўпчилик заъфарон етиштирувчи деҳқон сифатида билади. Сўх туманининг “Чашма” маҳалласида ўзлаштирилмаган ерларни шафран плантациясига айлантирган деҳқон бу ишни оддий қизиқиш сабаб, 2017 йил ёз ойларида икки сотих томорқасидан, 300 килограмм уруқ қадаш билан бошлаган.

Сўхнинг табиати, географик жойлашуви айнан шафран етиштириш учун қулай эканини томорқасида тажрибадан ўтказган деҳқон беш йил давомида унинг туганак пиёзани кўпайтирди. Мақсади – ушбу



Сўхнинг табиати, географик жойлашуви айнан шафран етиштириш учун қулай

ўсимлик плантациясини ташкил этиш эди. Унинг бу мақсадида эришишида маҳалласидаги узоқ йиллар ҳеч қандай фойдаланмаган ерлар асқотди. Ерларни текислаб, заъфарон учун жой ҳозирлади. 2022 йилда 50 сотих ерга заъфароннинг туганак

пиёзларини қадади. Бугун эса плантациясининг майдони 5 гектардан ошди. – Аввалига ўзимнинг икки сотих, ундан сўнг укамнинг томорқасида, сўнг қўшимчида синовдан ўтказдим, – дейди Раҳод Одилбоев. – Сўх тумани ўзига хос географик

жойлашуви сабаб, заъфарон етиштириш учун жуда қулай жой. Уни етиштиришда қийналмадим. Сентябрь ва октябрь ойларида заъфарон гулини териб мавсуми бўлади. Шу вақтда кунга 100 нафаргача одам ишлайди. 17 нафар сўхликнинг доимий бандлигини таъминладим. Асосийси, кимдир сиз етиштирган маҳсулотдан ишфо топдим, деса шунинг ўзи етади менга.

Раҳод ака шу билан тўхтамоқчи эмас. Беш гектар шафран плантациясини 10 гектарга кенгайтиришни режа қилляпти. Ҳудудда ҳали ўзлаштирилмаган ерлар кўп.

Сўх туманида йирик саноат корхоналари йўқ. Аҳоли, асосан, деҳқончилик билан шуғулланади. Хайрли бу ташаббус эса нафақат одамлар саломатлигини тиклаш, балки сўхликлар бандлигини таъминлашга хизмат қилляпти. Сўх шафранлари, асосан, экспортга йўналтириляпти.



**Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев бошчилигидаги делегация АҚШда бўлиб ўтаётган БМТнинг Ёшлар Форумида (ECOSOC) иштирок этяпти.**



**2025 йил I чораги якунларига кўра, маҳалла ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда энг фаол ва ташаббускор ёшлар етакчилари аниқланиб, ТОП-100 рейтинг шакллантирилди.**



**Global Partnership for Education билан грант шартномаси асосида 58 та янги инклюзив мактаб қурилади.**

Илгарги маҳалламизда ёрдамга муҳтож, эҳтиёжманд фуқаролар бунчалар кўпчилигини билмаган эканман. Хатто, уларнинг шароити ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасдим. Шу соҳада иш бошлаганимдан кейин ҳақиқий вазиятдан хабардор бўлдим. Эҳтиёжларимиздаги биздан кўмак кутаётган инсонлар ҳаётига кириб бориб, ич-ичимдан ҳақиқий оғриқни ҳис қила бошладим.

# “Моддий манфаат кутиб яшаётганлар кескин камайди”

**Жавохир АБДУҲАКИМОВ, Данғара туманидаги “Қорамулла” маҳалласи ижтимоий ходими.**

Айни вақтда ҳудудимизда ногиронлиги бўлган фуқаролар 76 нафарни ташкил этади. “Қамбағал оилалар реестри”га киритилган оилалар сони — 68 та. Қам таъминланган хонадонлар илк иш бошлаган вақтда 241 та эди. Уйма-уй кириб, олиб борилган ўрганишлар натижасида уларни 69 тага қисқартиришга эришдик. Олдин оилаларнинг расмий даромади фақат платформанинг ўзида текширилиб, бола пули тайинланган. Бунда норасмий қиримлар, фуқаронинг номига олинмаган автотранспорт воситаси, чорва моллари ҳисобга олинмаган. Қолаверса, тушунтиришлар натижасида шароити яхши бўлишига қарамай, давлатдан моддий манфаат кутиб яшаётганлар сони кескин қисқартирилди.

Утган йили “Энг фаол ижтимоий ходим” кўриқ-танловининг республика босқичида 4-ўринни қўлга киритган эдим. Бу йил ундан ҳам кўпроқ шижоат билан ҳаракат қилиб, вилоят босқичидан муваффақиятли ўтдим. Фолиблик асосий мақсадимга айланган. Бунинг учун тинимсиз ўз устимда ишлаяпман. Кейс тақдироти шарт бўйича танланган оиладаги шарт-шароит аввалига жуда ачинарли эди. Эр-хотин тўғра ногиронлиги бўлган икки нафар фарзандини ўйлаб, жуда тушкун ҳолатда. Иккисининг ҳам доимий иш жойи йўқ. Эрак кунлик топган даромадини ичкиликка сарфлаши оқибатида оила “Қамбағал оилалар реестри”га кириб қолган. Она болаларига ногиронлик тайинлашини истамаган.

Олиб борилган савий-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, ҳар икки фарзандга ногиронлик белгиланиб, 920 минг сўмдан нафақа тайинланди. Махсус ортопедик пойабзал тақдим этилди. Кенжасида касаллик аломатлари кучли бўлгани учун махсус ҳафталик тарбия муассасасига жойлаштирилди. Натижада онада меҳнат қилиш имконияти туғилди. Унинг аввал корхона ва ташкилотларда ошпаз бўлиб ишлагани боис уйи олдидаги боғча ошхонасига ишга жойлаштирдик. Айни



## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

вақтда 1 миллион 320 минг сўм миқдорига маош оляпти. Эракнинг мuddати ўтиб қолган ҳужжатлари алмаштирилгач, кўшни давлатга устачилик қилиш учун жўнаб кетди. Бу бўйича етарлича тажриба ва малакага эга экани айни мuddао бўлди. Ҳар ойда оиласи учун 5 миллион сўмдан кўпроқ пул юбориши ортидан улар қамбағалликдан тўлиқ чиқарилди. Энг муҳими, оила вакиллари жамият ҳаётида фаол иштирок этишни бошлади. Тўлиқ ижтимоийлашуви таъминланиб, тушкунлиги бартараф этилди.

Иш жараёнида кўпроқ яққа-ёлғиз яшаётган кексалар ҳолидан хабар олишга ҳаракат қиламан. Улар бизнинг кўрсатиладиган ёрдамимиздан кўра, суҳбатимизга муҳтож. Эшигидан кириб борар эканмиз, худди яқин инсонни келгандек шодланиб кетади. Баъзан улар билан анча вақт гаплашиб қолиб кетаман. Қалбидан кечираётган дарду ташвишларини ич-ичимдан ҳис қиламан. Имкон қадар далда бўлиб, кўнглини кўтаришга уринаман.

Айни вақтда “Билим ва малака — фаровон ҳаёт сари йўл” деб номланган лойиҳа устида иш олиб бораёямиз. Бунда ҳудудимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, қам таъминланган ва ишиз аёлларни иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириб, ижтимоий ва молиявий жиҳатдан фаоллаштириш, шунингдек, ўз касбини топиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашиш мақсад қилинган. Уч ой давом этадиган ушбу тренинг курслари орқали аёлларни замонавий иқтисодиёт талабларига мос малакага эга мутахассисга айлантириш, курсни якунлаганларни маҳаллий корхона ва хизмат соҳаларига ишга жойлаштириш ёки ўз шахсий бизнесини бошлашига йўл очилади. Шунингдек, лойиҳа давомида “Инсон” маркази юристи, психологи ҳамда су-первайзери, маҳалла банкири билан ҳамкорликда молиявий қўллаб-қувватлаш, кредитлар ажратиш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ҳам йўлга қўйилади. Муҳими, аёлларнинг ўзига бўлган ишончи ортади, оилада ва жамиятда фаол ижтимоий шахсга айланади.

# Ижтимоий ҳимоянинг ҳаётдаги ифодаси



**Маълумки, 2024 йил 18 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқаришга хизмат қилмоқда.**

**Абдулазиз МУСАЕВ, журналист.**

**Кўмак**

Янгийўл туманида қаровсиз қолган Жамолиддин Фозилов “Инсон” маркази кўмағида суд орқали муомалага лаёқатсиз деб топилиб, Охангарондаги “Мурувват” интернат уйига жойлаштирилди.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида Тошкент вилоятида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туман ва шаҳарлардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари талабномаси асосида 10 нафар эҳтиёжманд фуқарога давлат божидан озод этилган ҳолда шахсий идентификация карталари расмийлаштирилди. Улар орасида тазйик ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар, ёлғиз қариялар бор. Хусусан, Охангарон туманида истиқомат қилувчи Х.Пайзиева ана шундай хизматдан фойдаланди.

— Мен тўрт йил давомида турмуш ўртоғимдан жисмоний ва руҳий тазйик кўриб яшадим, — дейди Х.Пайзиева. — “Инсон” маркази орқали ҳуқуқий ёрдам олдим. ID-картамни ҳам давлат турмуш ўртоғим яшайдиган уйга кириш ҳуқуқимни тикладим. Бугун мен ўз уйимда болаларим билан хавфсиз муҳитдаман.

2024 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 501 нафар тазйик ва зўравонликка учраган хотин-қизларга эксперт маслаҳатчилари томонидан ҳуқуқий ёрдамлар берилди. Бу орқали уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаш ва ҳуқуқий ечимларга эришиш имкониятлари кенгайди. 19 ҳолатда алимент ундириш буйруқлари чиқарилди. Шу билан бирга, 4 та ҳолатда оталик белгиланди, 6 та ҳолатда моддий

таъминот ундирилди, 1 нафар фуқаро муомалага лаёқатсиз деб топилиб, интернатга жойлаштирилди.

Жумладан, Янгийўл туманида қаровсиз қолган Жамолиддин Фозилов “Инсон” маркази кўмағида суд орқали муомалага лаёқатсиз деб топилиб, Охангарондаги “Мурувват” интернат уйига жойлаштирилди. Шунингдек, Оққўрғон туманида тазйикка учраган Зилола Ниёзова икки нафар фарзанди билан суд қарорига асосан турмуш ўртоғи яшайдиган уйга киритилди.

— Турмуш ўртоғим билан муносабатимиз яхши эмас эди, — дейди З.Ниёзова. — Кўп йиллар давомида тазйик ва ҳурматсизликка икки фарзандим учун чидадим ва “Инсон” марказига бордим. У ердаги маслаҳатчилар менга ҳуқуқий кўмак берди. Суд орқали турмуш ўртоғим яшайдиган уйга кириш ҳуқуқимни тикладим. Бугун мен ўз уйимда болаларим билан хавфсиз муҳитдаман.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Тошкент вилоятидаги 28 та маҳаллада юқоридаги қонун амалдорлари томонидан турмуш ўртоғи билан муносабатларини яхшилаш мақсадида сайёр учрашувлар ўтказилди. Унда 1 минг 500 нафардан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар камраб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, бу қонун нафақат ҳуқуқий ҳужжат сифатида, балки реал ёрдам воситаси сифатида амалга ошмоқда. Унинг амалдаги ифодаси эса оддий инсонлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан ўлчанади.

# Ёшга доир пенсия ва нафақанинг нима фарқи бор?

Қонунчиликда ёшга доир пенсия ва ёшга доир нафақа тушунчалари мавжуд бўлиб, улар бир-бирдан турлича фарқланади.



**Шунга кўра:**  
✓ **ёшга доир пенсия** — давлат пенсия турларидан бири ҳисобланиб, уни олиш ҳуқуқига эрақлар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлади;  
✓ **ёшга доир нафақа** — қонунчиликда белгиланган тартибда тайинланадиган нафақалардан бири ҳисобланиб, у болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга — 55 ёш, аёлларга — 60 ёш ва эрақларга — 65 ёшга етганда тайинланади.

Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахслар ва болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналар ёшга доир нафақани олиш ҳуқуқига эга.

# Кексалар учун муҳим ижтимоий ташаббус

Сурхондарё вилоятида тажриба-синов тарикасида “Кексалар реестри”да турувчи шахсларга уйда тиббий-ижтимоий реабилитация хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси матбуот хизмати.

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва про-тезлаш мақсадида бириктирилган, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 балдан 62 баллгача баҳоланган 5 нафар шахс ушбу хизмат туридан фойдаланмоқда. Бу жараёнда ассистентлар хизматида кўшимча равишда шифокор ва ҳамшираларнинг бириктирилиши қисқа вақт ичида ўз самарасини берапти.

Мазкур хизмат ёлғиз, ногиронлиги бўлган ёшга эришган тўлиқ таъминланган оиладаги кексаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган ижтимоий ташаббусдир. Тиббий хизматлар қон босимини, қанд миқдорини текширишдан тортиб, реабилитация, яъни жисмоний машқлар ёрдамида соғлиқни тиклашга бўлган жараёнларда кексаларга кўмаклашади. Бу тизим орқали кекса ёшдагиларга



муносиб ҳаёт тарзи яратилади. Уларнинг руҳий ва жисмоний саломатлиги яхшиланади.

Нина Попова Термиз шаҳрида истиқомат қилади. Унинг қўлларига эргатерапия, елка тирсак бўғими контрактурасига қарши енгил уқалаш ва буки-ёзувчи машқлар, вибротерапия каби

тиббий-ижтимоий реабилитация хизматлари кўрсатилди. Бу нафақат бир инсон, балки бутун жамият салоҳияти, маънавий камолот, соғлом ижтимоий муҳит учун жуда муҳим қадам. Ҳўзилган ёрдам қўллари мамлакатимизда ҳар бир инсон эътиборда эканини амалдаги ифодасидир.

Мазкур хизмат ёлғиз, ногиронлиги бўлган ёшга эришган тўлиқ таъминланган оиладаги кексаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган ижтимоий ташаббусдир.



Ўзбекистон терма жамоаси Саудия Арабистонида ўтаётган U17 Осиё кубогининг ярим финалида КХДР жамоаси билан ўйнайди.



Боку шаҳрида бўлиб ўтаётган турнирда терма жамоамизнинг 5 нафар аъзоси финал йўланмасини қўлга киритди.



Самбочиларимиз Осиё-Океания чемпионатининг илк кунинда 14 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалга эга чиқди.

## БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!

■ БАДАНТАРБИЯ

### ЎН БЕШ ДАҚИҚА САКРАНГ, АСАБИНГИЗ ТИНЧЛанаДИ



Арқонда сакраш бошқа машғулотларга қараганда кўпроқ калория йўқотишга ёрдам беради. Шунингдек, ортиқча ёғдан халос қилади, мушакларни кучайтиради, чидамликни оширади.

Азиза ШИРИНОВА,  
Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси  
Марказий кўп тармоқли поликлиника бошлиғи.

**Б**у машғулот билан мунтазам шуғулланиш нафақат вазн йўқотиш учун, балки умумий саломатликка ҳам кўни фойда. Шу билан бирга, жисмоний машқлар пайтида юрак уриши одатдагидан кўра юқори даражага кўтарилади. Натижада юрак хасталиғи ва инсульт хавфи камаёди.

Агар ушбу машқ ҳар куни 15 дақиқа давомида бажарилса, бир неча hafta ичида нафас сиқилишидан халос бўлиш мумкин. Бу машғулот, айниқса, кўп вақтни ўтирган ҳолатда ўтказадиган ва иши оғир ақлий меҳнат талаб қиладиганлар учун фойдали саналади. Узоқ вақт давомида бир хилдаги сакраш тарангликни бартараф этишга, кун давомида тўпланган чарчоқдан халос бўлишга ва асабларни тинчлантиришга ёрдам беради.

Бундай жисмоний фаоллик пайтида кўп миқдордаги калория сарфланади. Оёқ, қорин, орқа ва кўл мушаклари кучаяди. Аёллар учун ҳам арқонда сакраш фойдали бўлиб, у целлюлит ривожланишининг олдини олишга ёрдам беради. Ритмик ҳаракатлар билан танандаги қон тезроқ айлана бошлайди. Бу табиий равишда терининг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

Бироқ машқнинг ижобий таъсирини эришиш учун ҳар куни камидан 15 дақиқа сакраш талаб этилади. Агар дастлаб бу мушкул туюлса, қисқа танавуллар қилиш мумкин. Аммо ҳар куни машғулотнинг давомийлигини ошириб бориш керак. Бора-бора мушаклар ва тана бу бўйича кўникма ҳосил қилади.

Сакраётганда бир вақтнинг ўзига икки оёққа тушиш мумкин, аммо бутун оғирликни бармоқлар билан кўтариш янада энгил ҳаракат қилиш имконини беради. Тиззаларни озгина эгиш, гавдани тик тутиш лозим. Арқонни елка билан эмас, балки кўл билан айлантириш керак. Фақат бурун билан нафас олиш зарур. Баланс сакрашнинг ҳолати йўқ, ердан 5-10 сантиметр кўтарилиш кифоя. Аста-секин машқлар тезлиги ва давомийлигини ошириш мумкин. Профессионал спортчиларнинг фикрига кўра, танани илжи борича бўшашган пайтдагина арқондан сакрашни тугатиш керак. Кўпи билан кунига 30 дақиқа давомида бундай жисмоний фаолият билан шуғулланиш етарли.

Сакрашга киришишдан олдин танани бироз қиздириб олишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу юзага келиши мумкин бўлган жароҳатларнинг олдини олади.

Жисмоний фаолиятнинг ушбу турига қарши кўрсатмалар ҳам мавжуд. Хусусан, сурункали буйрак етишмовчилиги, суяк сил касаллиги, тизза бўғимлари ва умуртқа погонасининг айрим касалликлари, бачадон пролапсиси каби хасталиқларга чалинган беморларга тавсия этилмайди. Шунингдек, томирлар варикози ҳамда турли яллиғланиш ҳолатларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

### ИССИҚ КУНЛАРДА ҚАНДАЙ ТАОМЛАНГАН МАЪҚУЛ?

■ СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Кунлар тобора исиб бормоқда. Бундай об-ҳавода инсоннинг иштаҳаси пасайиб, лоҳас бўлиб бориши табиий ҳол. Аммо куни билан сарф қилинган энергиянинг ўрни озиқ-овқат билан тўлдириб турилмаса, меҳнат фаолияти сустлашиб бориши мумкин.

Ғули ШАЙХОВА,  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор.

**И**ссиқда иштаҳа сусайиши сабабли кўпроқ хўл мева ва сабзавотлар ҳамда улардан тайёрланган салатларни хуш қўриб истеъмол қиламиз. Чунки бу маҳсулотларнинг кўпчилиги чанқоқни қондиради ҳамда танани керакли минерал модда ва витаминлар билан тўйинтириб туради. Лекин уларнинг калорияси кам ва куни билан сарф қилинган кувватнинг ўрнини боса олмайди. Танага эса доим оқсил моддаси зарур.

Бунинг учун гўшт ва унинг ўрнини босувчи баъзи (дўжқакли) маҳсулотлар кунлик таомномага киритилиши керак. Аммо унут-маслик керакки, қовурилган, ёғли маҳсулотларнинг ҳазм бўлиши анча қийин. Шунинг учун гўшт маҳсулотларини қайнатилган ҳолатда истеъмол қилишни тавсия этамиз.



Мошхўрда, мастава, қайнатма шўрва (ёғсиз), манпар ва шунга ўхшаш энгил таомларни ейиш жуда фойдали.

Нонуштада оқсил, ёғ ва углеводлар оддий кунлардагига нисбатан кўпайтирилиши керак. Масалан, сут маҳсулотлари (творог, қаймоқ, сутли чой), мева, сабзавот, сувда пиширилган гўшт ва шунга ўхшаш маҳсулотлар истеъмол қилиниши мумкин.

Тушлиқда энгил ҳазм бўладиган биринчи таом, яъни мошхўрда, мастава, манпар, сувда ёки буғда тайёрланган котлетлардан иборат бўлгани маъқул. Дастурхонда, албатта, сабзавот ва мевалар, улардан тайёрланган салатлар, бодринг, помидор, пиёз, кўк пиёз, кўкпатлар бўлиши керак. Мева-

лардан тайёрланган шарбатлар таркибида эса шакар имкон қадар умуман бўлмастлиги лозим. Ёзнинг иссиқ кунларида шўр балиқ, дудланган гўшт, консерва, тузли маҳсулотларни истеъмол қилиш умуман тавсия этилмайди. Чунки улар чанқас хиссини янада кучайтиради.

Кечки овқатдаги таомлар ҳам энгил ҳазм бўладиган суюқ овқатлардан иборат бўлиши керак. Бунинг учун қатик, олма, турли сабзавотлар ва шунга ўхшаш углеводларга бой бўлмаган маҳсулотларни истеъмол қилиш лозим. Севимли маҳсулотларимиз бўлмиш қовун ва тарвуз эса тушлиқ вақтида ейилса, яхши бўлади. Улар углеводларга бой, кувват беради ва суюқликка бўлган эҳтиёжни қондиради.

Жазирамада чанқоқни босиш учун ҳар соатда 200 миллилитрдан сув ичиш тавсия этилади. Шунингдек, чой ва гиёҳли дамламалар ҳам фойдали. Улар орқали танага минерал моддалар ва витаминлар кириб боради. Соғлом инсонлар кунлик истеъмол қиладиган сувнинг меъёри 3 литргача. Юрак қон-томир, буйрак хасталиғи бор инсонларга эса кўп сув ичиш тавсия этилмайди. Бундай беморлар ичимликларни шифокор назорати остида ичиши лозим.

Яна шундай маҳсулотлар борки, улар ҳам чанқоқни яхши босади. Буларга бодринг, селдерей, қулунай, апельсин қиради. Айниқса, гўжа ва оқ хўрда керакли микроэлемент ва витаминларга бой саналади.



Овқатланиш — инсоннинг асосий физиологик эҳтиёжи, соғлиғи ва куч-қуввати учун бирламчи манбадир. Тўғри овқатланишга иқлим шароити, мавсум ва миллий анъаналар ҳам таъсир қилади.

Элдоржон ҒУЛОМҚОДИРОВ,  
Оила ва гендер илмий-тадқиқот  
институтини таянч докторанти.

**Х**алқимиз орасида кенг тарқалган "Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин", "Умрингдан бир кунинг қолса ҳам ош е...", "Тўйга борсанг, тўйиб бор..." каби мақолларда инсонларнинг овқатланиш борасидаги қарашларини кузатсак бўлади. Машҳур олим Алихонтура Соғунининг "Агар ўзбеклар бошқа ишларга ҳам ошга келгандек бирлашиб, йиғила олганларида эди, дунёда улардан кучлироқ миллат бўлмас эди", деган фикри, шунингдек, Эркин Воҳидов японларнинг узоқ умр кўриши борасида "...чунки япон биздек қоронғу сахар туриб ошга бормайди", дея овқатланиш маданиятимизни киноя билан танқид қилгани бунга яққол исботдир.

Сўнги йилларда юртдошларимизда юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморлар сони ортиб бормоқда. Камҳаракатлик ва семизлик бу турдаги касалликларнинг асосий сабабчиси ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзи ва узоқ умр кўриш ўз қўлимизда.


Тўғри овқатланиш бўйича куйидаги тамойилларга риоя қилиш — соғлом турмуш тарзини кафолатлайди. Бунинг учун сиз:

- ҳар куни бир вақтда овқатланинг;
- танани керакли моддалар билан таъминлаш учун хилма-хилликка эътибор беринг;
- меъёрга амал қилинг;
- озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва тайёрлашда санитария-гигиена қоидаларига амал қилинг;
- таомдан завқланинг, зеро бу — саломатлик гаровидир.

■ ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

Мамлакат ТУРСУНОВА. Самарқанд вилояти:  
— Айрим ҳолларда чақалоқларни тўйдириш учун оналарнинг суги аралаштириб сотилар экан. Бу савдо жоизми?

### Она сугини сотиш мумкинми?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво маркази:

— Она сугини сотиш жоиз эмас. Бундай суглар билан болаларни тўйдириб бўлмайди. Чунки она сугини тановул қилиш билан бола ва ўша она ўртасида разоат (эмикдошлик) собит бўлади. Суги олинган аёл эса кимлиги маълум бўлмайди.

Мусулмонлар ижмоси (иттифоқи) фикрига кўра, насаб билан маҳрам бўладиганлар, эмиш билан ҳам маҳрам бўлади. Шариятнинг максадларидан бири насабни сақлашдир. Бу амалиёт насаблар аралашиб кетишига олиб боради. Ислон фикҳи Кенгаши ўзининг Жидда шаҳридаги 2-сонли йиғилишида бу амалиётни шариятга номувофиқ деб қарор қилган.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер:  
Абдулазиз Аҳмедов  
Шерзод Маманов

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан  
2024 йил 7 майда  
№271590 рақами билан  
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри  
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили:  
Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.  
9 470 нусхада чоп этилди.  
Бу юртма №: Г-420

